



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 19 июль, чоршанба

№55 (11.240)

Эркин нархда сотилади

Олдинда янги вазифалар

Вилоят ҳокимлигининг қурилиш, уй-жой ва коммуникация масалалари ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ва қурилиш индустрияси мажмуаларига қарашли ташкилот, концерн ва уюшмаларнинг 2000 йил биринчи ярим йилликдаги иш якунларининг таҳлили ҳамда жорий йилнинг иккинчи ярмида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоятнинг шу мажмуага қарашли бошқармалари ва бўлимлари раҳбарлари, шахар ва туман ҳокимларининг қурилиш бўйича муовинлари, қурилиш ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати корхоналари раҳбарлари катнашдилар. Йиғилишда вилоят ҳокимининг муовини Рустам Мўминов олиб борди.

Анжуманда вилоятда капитал қурилиш соҳасида иқтисодий ислохотларнинг боришини текшириш жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан махсус комиссия белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси, вилоят туманларида аҳолининг табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлашнинг аҳоли, коммунал хизмат соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши бўйича қўрилган тадбирлар ҳақидаги масалалар муҳофизат қилинди.

Йиғилишда жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида мажмуага қарашли тармоқларда муайян ижобий натижалар бўлганлиги таъкидланди. Чунки, шу вақтга 16,8 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг шу давридагига қараганда ўсиш 107,8 фоизни ташкил этди. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ҳам нисбатан 10,8 фоиз ортди. Қурилишларга 3 миллиард сўмлик хорижий кредитлар жалб қилинди. 172 минг квадрат метр саҳили уй-жойлар, 179 километр узунликдаги ичимлик сув тармоқлари қурилди, 35 та аҳоли манзили «зангори олов» билан таъминланди, кўплаб машинали, савдо хизмати кўрсатувчи иншоотлар барпо этилди. Қатор қурилиш ташкилотлари ўз фаолиятлари кўрсаткичларини сезиларли яхшилади.

Вилоятдаги йирик транспорт ташкилотлари ҳисобланган «Тошйилуловчи» ташкилот, «Тошйилуловчи» концернларининг ҳамда «Тошйилуловчи», «Автомагистрал» бошқармаларининг

самарали ишлаётганлиги қайд қилинди. Лекин, мажмуага қарашли аксарият тармоқларда таркиб топган аҳоли даврий-мизнинг талабларидан анча орқада қолаётганлиги, айниқса, иқтисодий ислохотлар умуман сўз амалга ошириш ва чуқурлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар қийинчилик билан рўйбга чиқарилаётганлиги, бунга сабаб бўлаётган ишдаги лоқайдлик, масъулиятни сезмаслик, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланмаслик ҳамон бартараф этилмаганлиги, ижро интизоми кўп ҳолларда бузилаётганлиги қайд қилинди.

Бу капитал қурилиш, кам қувватли, зарар қўриб ишлаётган майда қурилиш ташкилотларини тугатиш, коммунал хизмат кўрсатишда ҳар бир шахар ва туманда ягона буюртмачилар ва иш бажарувчи ширкатлар ташкил этиш, сув ва газ тармоқларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини таяйиш, уларни қуриш ва бошқа шу каби ишларда кўза ташланмоқда. Олмалик, Охангарон шахарлари, Оққўрғон, Паркент, Покент туманлари ва бошқа шахар-туманларда ҳам қурилиш ҳажми ва ўсиш суръатлари бўйича орқага кетилди. «Ирчиққурилиш», «Паркентсўвқурилиш» ва бошқа қурилиш трестлари қоникарсиз ишламоқда, уларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари кўпайиб бормоқда. Бу 2000 йилнинг энг муҳим иншоотлари, коллежлар ва академик лицейлар қурилишининг боришига салбий таъсир қилмоқда. Кўпчилик шахарлар ва туманларда коммунал хизматлар учун тўловлар тушумининг қоникарсизлиги катта ташвиш туғдирапти.

Йиғилишда муҳофизат қилинган масалалар юзасидан ишчи жонлантиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди, мажмуаининг ҳамма соҳаларида ижро интизомини кескин яхшилаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Вилоят ҳокимлигида

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИГИЛИШИ

Мамлакатимизда ёшларни тарбиялаш, комил инсон қилиб вояга етказиш борасида жуда кўп иш қилинмоқда. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган «Соғлом авлод йили»да ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор хайрли ишларга қўл урилди.

Ногиронлик масалалари бўйича вилоятимизда ташкил қилинган 5-халқаро семинар ҳамда ногирон болаларнинг халқаро «Мафтункор ранглар дунёси» Марказий Осиё бадиий танлови ана шу савобли тадбирларнинг узвий давомидир.

Ушбу тадбирни ҳар томонлама пухта ва юқори савияда ўтказиш мақсадида вилоят ҳокимининг махсус қарори қабул қилинди. Айни кунларда ушбу бадиий танловга таяйишлар қўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси фаол ишлаяпти. Шу йил 17 июль кўни ташкилий қўмитанинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ташкилий қўмита раиси – вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Ҳўжаева бошқарди.

Вилоятимизда ўтиши режалаштирилган бу семинар ва танлов халқаро аҳамиятга эга. Иккинчидан, ушбу тадбир ногирон болаларни

қўллаб-қувватлаш, уларни ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги билан ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Шунинг учун ҳам унга ҳар томонлама пухта таяйишлар қўриш, ғоявий бадиий жиҳатдан юқори даражада ўтишини таъминлаш керак. Ушбу халқаро йиғин ўтказилиши режалаштирилган Юричирчик туманидаги «Ийк ота» жамоа ҳўжаллиги ҳудудидаги «Енгра» халқаро жамағармасининг биноси шунга мос тарзда таяйишлар керак.

Шу муносабат билан ташкилий қўмита йиғилишида Юричирчик тумани ҳокимлиги, вилоят Ижтимоий таъминот, Халқ таълими, Соғлом авлод қўмитаси раиси, вилоят касаба уюшмалари Кенгаши, Ногиронлар жамағармаси, Болалар жамағармаси ва бошқа дахлдор бўлим, бошқармаларга зарур вазифалар юкланди.

Қўрилган масала юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллиги байрамини кенг нишонлашга катта ҳозирлик қўриломоқда. Истиқлол байрами арафасида беистисно ҳамма соҳаларда муайян ютуқлар билан навқирон республикамиз тараққиётига ҳисса қўшиш ўзига хос анъанага айланган шубҳасиз. Шу мақсадда бу йил ҳам вилоятимиз халқ ҳўжаллигининг турли тармоқларида

1-СЕНТЯБРЬ ИНШООТЛАРИ


катта ишлар олиб бориломоқда. Миллий байрамнинг янги ўқув йили бошланишига тўғри келиши муносабати билан мазкур шоаёна арафасида вилоятимизда бир неча ўқув муассасаларининг

Миллий дастур

муаларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Хусусан, Тошкент туманида 900 ўқувчи таълим олиши мўлжалланган, 200 ўринли ётоқхонаси бўлган қишлоқ ҳўжалли коллежини қайта тиклаш, Ёиёс Умаров номли ширкат ҳўжаллида 1020 ўринли мактабни фойдаланишга топшириш, Зангиота ҳамда Қибрай туманларида 600 ва Қўйичирчик туманида 450 ўқувчи тахсил оладиган саноат ва қишлоқ ҳўжалли коллежлари қуриш ва қайта тиклаш ишлари ниҳоясига етиб, Ангрен шахрида 600 ўқувчи сабоқ оладиган академик лицей бунёд этилаётганлиги бунга бир мисолдир. Шу кунларда мазкур иншоотларда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: Мустақиллик байрами тўнларидан бири — Тошкент туманидаги Ёиёс Умаров номли ширкат ҳўжаллиги ҳудудида қад ростлаган мактабнинг умумий кўриниши.

Дилшод АҲМЕДОВ суратга олган.



Дўст билан обод уйинг

ЭЗГУЛИККА ИНТИҚ ҚАЛБЛАР

Шу йилнинг 15 июль кўни вилоятимизнинг Бекобод тумани ва Бекобод шахри меҳнаткашлари, зиёлилари вакиллари Тожикистон Республикасининг Мастчоҳ ноҳиясига ташриф буюрдилар

Буни республикамиз Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 15 июль кўни Тожикистон Республикасига расмий ташрифи доирасида бўлиб ўтган кенг қамровли учрашувлар ва мулоқотлар ҳамда халқларимизни янада яқинлаштиришга қаратилган Абдий дўстлик тўғрисида имзоланган шартноманинг дастлабки меваси дейиш мумкин эди.

Тошкент вилояти Маънавият ва маърифат Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган бу учра-

ҳияси меҳнаткашлари ўртасида бўлиб ўтганлигида ҳам рамзий маъно бор. Зеро, икки мамлакат ўртасидаги қарийб 170 километрлик чегара ҳудудлари айнан уларни бирлаштириб туради. Улар ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳам узоқ йиллик тарихга эга. Далварзин қўллари сарҳадларидаги бу масканлар бир ариқдан сув ичиб яшнаган ва бугунги чиройига эга бўлган.

Ўз мустақиллигининг тўққиз йиллигини нишонлашга ҳозирлик қўраётган Ўзбекистон ва Тожикистон халқи истиқлолга содиқ ҳолда ўз ривожланиш йўлидан бормоқда. Мана шу йиллар давомида икки халқ ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Айниқса, Тожикистонда юз берган воқеалар, уруш ва тўполонлар халқнинг бошига не-не оғир кунларни солмади. Ана шундай бир паллада бу икки халқ ўртасига нифок

солмоқчи бўлган кучлар ҳам пайдо бўлди. Узоқ йиллик дўстлик ва биродарлик анъаналарига соя ташлашга ҳаракат қилинди. Аммо, бундай оғир кунларда ҳам республикамиз Президентининг бевосита саъй-ҳаракати билан ўзбек халқи тожикистонликлардан ўз ёрдами аямди. Дўст бошига оғир кунлар тушганда Ўзбекистон ҳўкумати ва халқи ўз ҳамдардчилигини амалий ишлар билан исботлади.

Ўртбошимизнинг Тожикистонга қилган расмий ташрифи сўзсиз ана шу тамал тошини қайтадан мустаҳкамлади. Ўзбек ва тожик муносабатларини янги босқичга кўтарди. Ёнг муҳими ҳар икки томон ҳам ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан катъий фикрлар айтди. Бунинг Мастчоҳ ноҳияси

(Давоми 2-бетда).



Вилоят ҳаёти

«ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР»



ИСТИҚЛОЛ байрами арафасида вилоят шахар ва туманларида кўни пойтахтдаги «Тошкент» саройида вилоят санъаткорларининг ҳисобот концерти ташкил этилиши режалаштирилган.

даги қўшиқ ва санъат байрами ўтказилмоқда. Унда ёш иқтидорли ҳаваскор санъаткорлар, таниқли санъат усталари ва ижодкорлар иштирок этаётилар. Мазкур тадбирнинг якуни сифатида шу йил 15 сентябрь кўни пойтахтдаги «Тошкент» саройида вилоят санъаткорларининг ҳисобот концерти ташкил этилиши режалаштирилган.

Шоира УВАЙДУЛЛАЕВА.

ГУЛСАРА МИСРГА БОРАДИ

ТОШКЕНТДАГИ «Байналмилал» республика маркази, Миср Араб республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот шўбаси ҳамда «Маърифат» газетаси томонидан ўтказилган мусобақада кўпгина газетхонлар катта қизиқиш билан катнашдилар.

«Миср – 8000 йиллик маданият бешиги» деган мавзуда синов юзасидан эълон қилинган саволларга вилоятимизнинг Қўйичирчик туманидаги «Қизил шарк»



қишлоғи зиёкори Гулсара Саидумарова ҳам атрофлича жавоб бериб, мусобақа ғолиблари қаторидан ўрин олди. Мусобақа совриндорлари сингари у ҳам Мисрга бепул сафар йўланмаси билан тақдирланди.

Акбар АЛИЕВ.

БОҒЧА ОПАЛАР БЕЛЛАШДИ



ПАРКЕНТ туманида «Соғлом авлод йили»га бағишлаб «Юксак маънавият — соғлом авлод пойдевори» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. «Қамолот» жамағармаси туман бўлими, ЎзХДП туман кенгаши ҳамда «Соғлом авлод»

жамағармаси, халқ таълими, маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази туман бўлимлари ташаббуси билан ўтказилган танловда ўндан зиёд болалар боғчаларининг мудирилари иштирок этдилар. Улар саволларга жавоб бериб, кўргазмали чиқишларда маҳоратларини намойиш этдилар. Мусобақа сўнггида 11-боғча мудири М. Ҳўраева ҳамда 2-боғча мудири А. Юсуповалар ғолиб деб топилдилар. Уларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Тўйчи ДўСТМАТОВ.

ФАРЗАНДЛАРГА МУРУВВАТ

«СОҒЛОМ АВЛОД» дастури бўйича вилоятимизда қатор тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Пискент туманида ҳам шундай хайрли ишлардан бири амалга оширилди. Туман ҳокимлиги ҳамда Жанубий Кореянинг «Киодачик» фирмаси ҳамкорликда ўтказган мурувват кечасида кам таъминланган оилаларнинг 400 нафар фарзандларига кийим-



кечак ва бошқа эсдалик совғалари топширилди. Тадбирда ҳар икки томон бундай савоатпешаликни давом эттириш ҳусусида келишиб олдилар.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

ЁШЛАРГА МАНЗУР БЎЛДИ



РЕСПУБЛИКА «Қамолот» жамағармасининг Қўйичирчик туман бўлими ташаббуси билан «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси хонандалари Озода Нурсаидова билан Даврон Эргашев Дўстобод

шаҳар марказий ўйингоҳида туман ёшлари учун катта концерт дастурини намойиш этди. Ушбу тадбирни ўтказишга туман ҳўжалликлари, корхона ва ташкилотлари касаба уюшмалари ҳомийлик қилди. Концертдан тушган маблағни туман «Қамолот» жамағармаси фаолиятини ривожлантиришга сарфлаш мўлжалланган.

Маҳмуджон УМАРОВ.

Ибратнома

СОҒЛИҚНИ ҚИЛСАНГ ҲАВАС

Агар таом чек-сиз

лазиз бўлса ҳам

Кўп емагил, келти-ради

дарду ғам.

Абу Али ибн СИНО.

Тўрт ҳолатда ол-диндан бирор гап ай-тмай бўлмайди: овқат

ҳазм бўлмагунча;

жангчи жанг майдо-нидан қайтмагунча;

ҳамиладор аёлнинг

қўзи ёрмагунча; ер

эгаси ҳосилни йиғиб

олмагунча.

«СИНДБОДНОМА»-ДАН.

Овқатни хушхўр

қиладиган табиий зи-равор — иштаҳадир.

СУҚРОТ.

Сихат тиласанг

кўп ема,

Иззат тиласанг кўп

дема.

Алишер НАВОЙЙ.

Дори-дармонни кўп

ичганингдан кўра бир

кун оч қолганинг маъ-қул.

ПЛУТАРХ.

Ҳамма вақт бўкиб

овқатлангандан кўра

ора-сира тўймай қолган

ҳам маъқул.

Абул ФАРОЖ.

Ўлим ўқига нишон

бўлмайин, бирор балога

йўлиқмайин десангиз,

шомай овқатлангиз.

ЛУҶМА ТИҚЛАМАСИН ДЕ-сангиз, меъёрида ва за-

рур бўлган тақдирдаги-на ютинг.

«СИНДБОДНОМА»-ДАН.

Арастудан: «Сиз-нинг бошқалардан фар-қингиз нима?», деб

сўрабдилар. У: «Баъзи

кишилар фақат овқат

ейиш учун яшайдилар,

мен эса яшаш учун овқ-ат ейман», — дебди.

Абул ФАРОЖ.

Овқатга очкўзлик

билан ёниши ҳайвоний

нафс, шунингдек, ов-қатга назар солмаслик

ҳақдан эмас. Бу

ерда ҳам меъёрида иш

тутиш керак.

И. ПАВЛОВ.

Кишида кўп иллат

кўп демакдандир

Касалик, уқубат

кўп емакликдан-дир.

Фариҳиддин АТТОР.

Камхўраклик

ҳамма

дардга даводир.

Асда дардга

парҳездан

шифодир.

Бадриддин ХИЛОЛСОЙ.

Соғлиқни қилсанг

ҳавас

Оз овқат еб, айла

бас.

Қамоллидин БИНОЙЙ.

Киши бахтли

бўлай деса, бориға

қаноат қилсин.

ДИОГЕН.

Турсунхўжа

АЗЛАРХОНОВ

тайёрлади.

НАЗОКАТ ВА

ЖАМИЛА ИБРАТИ

Бекободдаги 21-касб-хунар мактабидида спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Талабалар дарслардан таш-қари қатор тўғрақларда қат-нашиб, ўзларининг маҳорат-ларини оширишмоқда. Бу би-лим масканидида футбол, эркин кураш, волейбол, тазквандо, эшак эшиш каби тўғрақлар машғулотларида юзлаб ёшлар қатнашмоқдалар.

Айниқса, тазквандо, эшак эшиш тўғрақлари аъзолари юқори натижаларга эришмоқ-далар. Чунки, тазквандочи Назоқат Йўлдошева, эшак э-шувчи Жамила Эргашевалар нафақат шаҳар, вилоят мусо-бақаларида, шунингдек рес-публика бўйича уюштирила-ётган спорт беллашувларида муваффақиятли қатнашмоқда-лар. Яқинда уларни шараф-лаш маросими бўлиб ўтди. Мактаб ўқувчилариға спортда-ги ютуқлари омиллари ҳақида гапириб берган бу муҳир спортчилар қимматбоқ эсда-лик совғалари билан тақдир-ландилар.

Абдурахим БОБОНАЗАРОВ.

ЎЗБЕК КУРАШИ

ОЛФА БОРМОҚДА

Кураш — ўзбекнинг миллий спорт тури эканлиги барчага аён. Бугунги кунга келиб, у жохон спорт турлари қаторидан муносиб ўрин олди.

Жохон саҳнига чиққанига эндигина икки йил бўлаётган ўзбекнинг миллий кураши ўз ишқибозлари ва мухлислари эътиборини қозон-моқда. Бунини Тошкентда бўлиб ўтган кураш бўй-ича биринчи жохон чемпионатидан ҳам кўриш мумкин. 50 та мамлакатдан иштирок этган пол-вонлар, ўша пайтнинг ўзида курашнинг макеи кўтарилаётганидан далолат берад эди. Бунда албатта, 30 дан ортиқ давлатда иш олиб бора-ётган кураш федерациясининг ўзига хос улуши бор.

Анталья шаҳрида бошланган иккинчи жохон чемпионати ўзбек кураши ютуқларининг самарасидир.

Илгари хабар берганимиздек ушбу жохон чемпионатида Ватанимиз шаънини ҳимоя қилиб тўртта полвонимиз гиламга тушмоқда-лар. Хушxabарларга қараганда, 73 килограмм вазн тоифасида гиламга тушган юрдоғимиз Махтумқули Махмудов словакиялик рақиб-и устидан мутлақ ғолибликни қўлга кири-тиб, жохон чемпиони деган номга сазовор бўлди. 90 килограмм вазнда курашган полвонимиз Баҳром Авазов болгариялик рақибининг елка-сини ерга текказиб, мутлақ жохон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

ОМАД

ҚЎЛДАН

КЕТСА

ҲАМ...

Хаммамизга маълумки, рес-публика миз теннисчилари Девис кубоги мусобақалари-нинг жохон лигасига чиқиш учун Ни-дерландия терма жамоаси билан кўч синашдилар. Мусобақа жуда қизғин ўтди.

Хамюртларимиз рақибни анча қуч-ли ва ўзига яраша маҳоратга эга эканлиқларининг гувоҳи бўлди. Бу учрашувларда Вадим Куценко ўзи-нинг номдор рақиб Рихард Край-чек билан қорғта тушиб 1:5, 2:6 ҳисобида ўйинни бой берди. Мам-лакатимизнинг биринчи ракеткачи-си Олег Огородов Сценг Шалкен-дан икки сетда 6:4, 6:3 ҳисобида ғалаба қозонди.

Умумий ҳисобда эса омад респу-бликамиз теннисчиларидан юз ўғир-ди. Яъни 1:4 ҳисоби кайд этилди.

Терма жамоамиз теннисчилари бу турнирда имкониятни бой берган бўлсалар-да, кейинги ана шундай бўлуи мусобақаларда муваффақия-тли қатнашишларини тилаб қола-миз.

Қамоллидин АСКАРОВ.

БЎЛГАЙ

Замонамнинг таърифни айтсам юз дoston бўлгай,

Халққа хизмат қилмасанг эртага армон бўлгай.

Ҳар кимнинг юрагида бордир қатра яхшилик,

Қатра-қатра жам бўлиб, мавжли бир уммон бўлгай.

Истиқлол боғларида чаққақлашиб булбулдай,

Юртини севган киши зап ширинзабон бўлгай.

Яхши ният бирла мен гул экиб, боғ айладим,

Келингиз сайрибоққа йўллар ҳам раvon бўлгай.

Дутору танбур чертиб, созда кувналик

мудом,

Янгрисин куй-яллалар, доврғи жаҳон бўлгай.

Меҳрин ашғорға қўшди, ўқисангиз эй, дўстлар,

Қамтарин Ўлмасийнинг дил сўзи баён бўлгай.

БИР СЎЗ АЙТОЛМАЙМАН

Севдим деган бир сўзини, жоним,

ҳеч айтолмасман,

Мақтовинг қилай десам, сўзларни

тутолмасман.

Илларингда кўларим кўчандан ўтсанг агар,

Ёнади дилу бағрим, бир чора этолмасман.

Даста-даста гул берай тўлдириб

кучоғингни,

Ҳаттоки фариштини сенчалик

кутолмасман.

Юрагимга ўт ёқиб не қиласан жанонам,

Энди қоғозга ишқдан ўзга байт

битолмасман.

Коккилгандан мушк-анбар таралиб

айлар маҳзун,

Кўчанга бориб қолсам, ёр, сира

кетолмасман.

Шеърят

Ўлмас кутар, қалбингни ошкор этарсан

бир кун,

Ишқинг юракда экан, оламдан ўтолмасман.

Ўлмас ҲАСАНОВ.

ТЎҒРИЛИК ИШТИЁКИ

Тўғрилиқ иштиёқи бедор этар,

Эзирлар хулқин қаранг озор этар.

Бу танқиду дўстона маслаҳатлар,

Баъзи лоқайдларга қачон қор этар?

Бир поғона бўлса гар сиздан баланд,

Ютиб виждон, ўзини сардор этар.

Халқ ишига бош қотирмоқ қайдадир,

Зўр бериб ҳаётни салмоқдор этар.

Қимки қилмиши агар Ҳақдан йироқ,

Охири ўзи сарсон-зор этар.

Тўғри сўзи нақл этабер Жўрашер,

Эзри кўнгли барчани безор этар.

Жўрабой МАҲКАМОВ,

Тошкент тумани.

Турмуш чорраҳаларида

Саратон. Ёзининг жазирама кун-и. Яқинба. Оила аъзолари барчамиз туқилиб бўлган, телевизорда намоиш қилинган ҳинд фильмини кўрдик. Соат 15 лар атрофи. Кор-нимиз тўқ, ҳаммамиз жамул-жамимиз, фиёмнинг воқеалари ҳақида ҳам обдон баҳслашиб бўлдик. Сезиб турибман, барибир бизга ҳозир ни-мадир етишмаётгандек туюляпти. Хотиним худди ҳаёлимни англаган-дек гапириб қолди.

— Корин ғами йўқ, болаларим, адалари ёнимда, менга шу тобда назаримда нимадир қамдек. Яқин-ба бўлганиданми кўлим иш тикишга ҳам бормаяпти. Хали ювган кирла-римга дазвол босай десам ҳушим бўлмаяпти! — Ки-зик, менда ҳам кай-фият йўқроқ, — деб опасини гапи-ни маъқуллаб да-

ришганини бериб юбормасин дўкончи, яхшисидан олсин...

Ўғлим бошини қимирлатиб чиқиб кетгач, зум ўтмай уқасини имлади. Кичигимиз кетгач, каттамиз келиб ўз жойига ўтирди. Мийғида кулиб ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди. Қизим билан онаси ҳайрон! Нима гап экан, булар «пичир-пичир» қилиб қолишди? Шу замон мен гап бошладим:

— Энди, ахли жамоат! Кун иссиқ, одам ланж бўлади, баъзан. Ҳамма нарсга гўё етарлидек — тани-жонинглар соғ, атроф, қариндош-уруғлар, ёру-биродарлар тинч, еар-ичарингиз етиб турибди, энгил бош-ларимиз ҳам ўртача, ёмон эмас, энг муҳими, юртимиз тинч, осмонимиз мусаллоҳ! Мана, яқинба кун-и ҳаммамиз бир-

гомиз, иноқ, эмин-эркин суҳбатла-шиб ўтирибмиз. Шўқ қилайлик, ана шу кўларимиз ҳам бир давлат, қадру-қимматиға етайлик...

Сўзларим тўғар-туғамас кичик ўғлим селюфан халтача кўтариб хур-санд, кириб келди. Музқаймоқлар-ини бирин-кетин олиб, илжайганча ҳаммамизга улашди. Музқаймоқни индамай еб олди. Танамиз яйра-қандек бўлди. Хузурандик. Кўннинг иссиғини ҳам бир зум унутдик...

— Дада, мен нақшимни битириб қўяқолай энди, — деб, қатла ўғлим устахонага чиқиб кетди. Кичиги экин-нинг тагини чопишга йўналди. Қизим эса бир менга, бир онасига қараб:

— Нима овқат қилай, кечкурун-га? — деди.

— Қара, имконият, масалиқлар нимани кўтарса ўшани тайёрлайқол, — дедим мен. Хотиним гапга ара-лашди:

— Ҳеч анигини айтмайсиз, «ош» деб қўяқолмайсизми! Аччиқ-чуқуқ-лар билан яйраб ейишади болалар ҳам, нима дейсиз?

— Майли! — дедим мен. — Ша-роитга қаранглр, деяманда...

Ҳамма ўз иши билан банд. Аёлим ҳам кийим-кечақларни дазмоллаш-га киришиб кетди. Мен эса улар-нинг кайфиятини кўтаришнинг уд-дасидан чиққанимдан хурсандман.

Аслида, кейинги ояга аёлуосунинг бир ойлик чиптаси учун сақлаб олиб қўйган «жамғарма» пулимдан «хою-хавас» учун, «нафс» учун сарф қил-ган эдим. «Майли, — деб ўйладим, ўзимни юпатиб, — Ойлик чипта сотувга чиққунча яна қалам хақи келиб қолар...»

Баҳром ТОЖИЕВ.

МУЗҚАЙМОҚ

вом эттирди катта ўғлим, — бир ҳафта бурун бошлаган кўш компо-зициям битай-битай деб қолганидан, бугун тугатмоқчи эдим. Кўлим ҳеч ишга бормаяпти, ҳайронман!

Бунини эшитиб ўтирган кичик ўғлим гап қўйди:

— Бугун дам олиш кун-и, анави ҳовлида экиб қўйилган маккажў-ҳори ва райхонларимнинг тагини юм-шатиб қўйишни режаларган эдим. Тунов кун-и жалада қатқалоқ бўлиб кетибди. Аммо, менинг ҳам негадир дангасалигим тутиб турибди. Бир бошлаб олсам, кечгача ишимни туга-тиб олардим-а...

У гагини тугатар-туғатмас қизим:

— Мен ҳам, энди кечки овқатга уйнашга чоғланаям, лекин нима овқат қилсам осонроқ бўларкин, вақтлроққ пишаркин, деб бошим қотиб турибди. Ада, ойиҳон! Ҳар кун иссик овқат бўлиши шартми. Бугун кечкурунга аччиқ-чуқуқ тай-ёрлаб есак бўлмайдики? — деб она-сига қаради. Хотинимнинг эса гапи-ришга ҳам ҳуши бўлмадики, инда-май қўқолди. Уртага жимлик чўкди.

— Бу ёққа кел! — дедим мен катта ўғлимни имлаб. У жойидан туриб, «Нима муҳим гап бор экан-деб, қуло-ғини менга астойдил, имкон қадар яқинроқ тутишга ҳаракат қилди.

— Ўғлим, болаҳонага чиққинда ёзув столим галадонини оч. У ерда тунов кун-и ёзган мақоламга келган қалам хақи бор. Ушандан 5 та муз-қаймоққа етарлисини олгинда, се-кин уканга айт. Гузарга чиқиб тез олиб келсин. Тайинла, яна уни бола фаҳмлаб эриганини, буришган-су-

Мусаввир табассуми

ҲАМ КУЛИБ,

ҲАМ КУЛДИРИБ

Абдура-сул Ҳаки-мов 1969 й и л н и сира ҳам унутол-ма й д и . Уша йили рас-сом мўйқалам

камол топа борди. Бугун 60 ёшга кирган Абдурасул Ҳакимов газетамизни «Менинг биринчи устозим» деб меҳр билан тилга олади. Энг ахши суратларини биринчи навбатда таҳририятга кўтариб келади. Бугун ҳам унинг «бўёғи қурмаган» суратларидан, бир нечтасини томоша қилинг, марҳамат.

бўламан деб қўлига олиб, суратлар чиз-ганида, уларнинг орасидан биттасини газета таҳририятда-гилар ёқтириб қолишди. «Шу сурат-нинг эълон қила-миз», дейишди. Бир ҳафтадан сўнг Абду-расул ўзи чизган кар-икатурани «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида кўриб, боши осмонга ету-дек бўлди. Шундан бери ўтган 31 йил мобайнида ўзи ҳам улғайди, ижоди ҳам

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган суратлар.

— Бош отғири дориси деган эдинг, мана ярим кеча бўлса ҳам тоғиб келдим, хотинжон.

— Йўқ-йўқ, бугун бизда фақат энгил куйлардан концерт бўлади.

«Баланд чиқиб назар солсам ҳар ёққа, Қўрнмайди ёр қораси қўзимга».

ХОТИРА ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 14-15 июль кунлари Қўраш ўқув-машғулот мажмуи-да ўзбек футболнинг фидойиси, Ўзбекистон Футбол федерацияси ижроқўмининг фахрий аъзо-си Жўра ота Хоназаров хотирага бағишланган футбол фахрийлари республика турнири учра-шувлари бўлиб ўтди.

Шу кун-и ҳақиқатан ҳам Қўраш спорт масканига йиғилганлар катта футбол байрамнинг гувоҳи бўли-лар.

Учрашувни томоша қилиш учун минглаб иш-қибозлар ўйингоҳга оқиб келарди. Жўра ота Хона-заров хотирасига бағиш-ланган футбол фахрийла-ри республика турнири финал учрашувларида Наво-ий ва Сирдарё, Тошкент шаҳ-ри ва Самарқанд вилояти фахрийлари куч синашдилар.

Финалга йўлланмани қўлга қиритган Сирдарё вилояти ва Самарқанд вилояти фахрийла-ри ўртасида бўлиб ўтган уч-рашув ишқибозлари кутган-заров ва бошқалар сўзга чи-қиб, республика футбол-нинг чинакам фидойиси Жўра ота Хоназаров каби мард ва асли инсонлар хоти-раси, у кишини билган, яқиндан таниган, у киши билан ёнма-ён хизмат қил-ганлар ва футбол ишқибоз-лари қалбида бир умр яша-шини таъкидлаб ўтдилар.

Шу кун-и бўлиб ўтган ярим финал учрашувларида Наво-ий ва Сирдарё, Тошкент шаҳ-ри ва Самарқанд вилояти фахрийлари куч синашдилар.

Финал учрашувларида Наво-ий ва Сирдарё, Тошкент шаҳ-ри ва Самарқанд вилояти фахрийла-ри ўртасида бўлиб ўтган уч-рашув ишқибозлари кутган-дан ҳам шиддатли ва қизғин бўлди. Ўйинда дастлабки дақиқа-ларданок тез қор хужмга зўр бер-ган ва учрашувда 1:0 ҳисо-бида ғалабага эришган Сир-дарё вилояти футбол фах-рийлари Жўра Хоназаров хотира турнирининг мутлақ ғолиби бўлди.

Турнирнинг тантанали ёпилиш маросимида футбол фахрийлари ва ғолиблариға Ўзбекистон футбол феде-рацияси Қўраш тумани хокимлиги, «Нуроний» жам-ғармаси Қўраш тумани бўлими, турнир ҳомийлари ҳамда Хоназаровлар хонадо-ни ташкил этган совринлар ва қимматбаҳо совғалар топ-ширилди.

Ўз мухбиримиз.

БУ АЖИБ ШОҲМОТ

ВАКТИНИНГ ЎТИШИНИ ҚАРАНГ

АҚШ чемпионатларининг бирида мастер Шервин ра-қибларини устима-уст юта-верди. Гроссмейстер Ре-шевский ҳам ундан қолиш-мади. Мусобақа ўрталарида Ревешский Шервинга шун-дай деди:

— Шу тариха кетадиган бўлсангиз, сизни ўзим тўхтатишим керак бўлади.

— Эҳтимол, — деди Шер-вин, — лекин аксинча бўлиб чикса-чи?

— Минг йилда ҳам ундай бўлмайди, — деди грос-смейстер.

Бир неча кундан сўнг улар ўзаро кўч синашган-да Ревешский ўйинни бой бериб қўйди.

— Вақтнинг тез ўтишини қаранг-а, гроссмейстер, — деди Шервин кулиб.

...ДАРДИ ҲУЗАДА

— Мен албатта, Роберт Фишердек ўнай олмайман, унинг сингари бадавлат ҳам эмасман. Лекин сизни жуда севаман, нимани ихтиёр эт-сангиз, тайёрман, — деди америкалик ошқ йигит.

— Ундай бўлса, мени ўша Фишер билан таништириб қўйинг, — илтимос қилди киз.

АДОЛАТ ЮЗАСИДАН

1914 йили Буэнос-Ай-реснинг марказий қамоқ-хонасида ҳибсга олинган-

ларга шохмотни ўргата бош-ладилар. Бу англикни ша-рхлар экан, «Пренса» газе-таси мухбири машғулотлар-га мунтазам қатнашганлар-дан бирининг фикрини кел-тиради. «Бу ўйинда, — дей-ди маҳбўс, — ҳамма нарсга адолат юзасидан рўй бера-ди ва ҳар бир киши қилим-шига яраша тақдирланади ёки ҳазоланади. Агар ҳаёт-да шундай бўлганда, ўйла-манки, мен ҳеч қачон пан-жара ичига тушиб қолмас-мидим».

ҲАМ МАСХАРАБОЗ, ҲАМ ФИЛ

XVIII аср охириларида шох-мот янги Францияда (ўша вақтларда Канаданинг бир қисмини шундай деб ата-шарди) ҳам кенг шухрат топди. Монреалик шоир ва журналист жаноб Местье эса шохмот сюжетларидан фойдаланиб, Людовик XVI, унинг хотини Мария Анту-нетта ва бошқа олий табақа вакилларини масхара қиларди. Шохнинг икки ёнида туриб олиб атрофда юз бераётган воқеаларни ундан яшираётган «Икки масхарабоз» («Фу» сўзи француз тилида ҳам «масха-рабоз», ҳам «шоҳмот филь-ни билдиради») қилмишлари акс эттирилган поэмалари-дан бири учун шоирни ша-ҳар губернатори буйруғи билан ҳибсга олишган.

«ЯНГИОБОД АК»

очиқ акциядорлик жамияти

27 июль соат 13.00да

акциядорларнинг

УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

ўтказилишини маълум қилади

Телефон: 8 (266) 5-19-44, 5-18-89.

«Тошкент ҳақиқати» газетанинг жамоаси таҳриратини бошқариб бориш бўлими, Ўзбекистон-да хизмат кўрсатган маданият ходими

Темур РАСУЛОВ-нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолариға чуқур ҳамдардлик билди-ради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Фатҳиддин

МУҲИДДИНОВ

Маълими:

700000, Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

хатлар ва оммавий ишлар

бўлими: 133-40-48

Эълолар: 133-40-48,

136-57-27.

Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда далил-ларнинг тўғрилиғи учун ре-клама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8.

Буюртма Г-605.

Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Саҳифаловчи: Музаффар ҚўЧҚОРОВ.

"Шарқ" наشريёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206.

Босишга топшириш вақти — 20.00.

Босишга топширилди — 18.45.

1 2 3 4 5 6